

Гендер асосидаги зўравонлик дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, аёллар ҳуқуқлари юқори даражада ҳимоя қилинадиган ривожланган мамлакатларда ҳам учрайди.

Ўзбекистонда аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича эскирган урф-одатлар ҳамда амалиётларга қарши курашиш учун фаол ишлар олиб борилмоқда.

- Парламент Спикери раислигида **Гендер комиссияси** тузилди.
- Сенатда **хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита** ташкил этилди.
- 2019 йил сентябр ойида "**Аёллар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида**"; "**Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида**" қонунлар қабул қилинди.
- **Ҳимоя ордерлари** зўравонликдан жабрланувчининг тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс ўртасидаги мулоқотини чеклаш ва бир хонада бирга бўлишини таъқиқлаш; зўравонлик ёки тазйиқни амалга оширган шахс томонидан етказилган маънавий зарарни қоплашни, шунингдек аёлнинг даволаниш, маслаҳат олиш, махсус парваришлаш марказларига жойлаштириш харажатларини қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин.
- Ички ишлар вазирлиги таркибида ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар билан ишлаш учун **360 нафар аёл инспекторлар** штаби ташкил этилди.

190 ҳудудда оилавий зўравонликдан азият чеккан аёллар учун **реабилитация ва мослашув марказлари** ташкил этилди (бепоул руҳий, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам ҳамда бошпана хизматлари).

Оиладаги зўравонлик "оилавий иш" деб ҳисобланмайди ва бутун жамиятда турли хил оқибатларни бартараф этиш харажатларини ҳам ўз ичига олган ҳолда улкан иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқаради.

Зўравонликка Йўл Йўқ

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗўРАВОНЛИКНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

| | |
|--|---|
| | Оила аъзоларининг соғлиғига таҳдидлар (руҳий касалликлар, депрессия ҳолатлари, ўз жонига қасд қилишга мойиллик), жабрланувчи учун оғир жисмоний ва ҳиссий оқибатлар, фаровонлик бўлмаган оилалар ва ажримлар сонининг ўсиши |
| | Фаровонлик бўлмаган оилалар ва ажримлар сонининг ўсиши |
| | Болаларнинг саломатлиги, руҳияти, ривожланишига, дарсларни ўзлаштиришига салбий таъсир |
| | Болаларда тажовузкорликнинг ривожланиши |
| | Оилавий ва маиший асосларда жиноятларнинг ўсиши |
| | Болалар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши, ёмон одатларнинг ривожланиши (спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддалар) |
| | Аёллар ўртасида жиноятчиликнинг кўпайиши |
| | Ўз жонига қасд қилиш |
| | Ижобий ҳаётий мақсадларни, оилавий қадриятларни йўқотиш, умидсизлик ҳисси |

Сиз зўравонлик қурбони эканлигингизни қандай билса бўлади?

| | | |
|--|---|---------------|
| | Сизни доимо ҳақоратлашиб, қадр-қимматингизни камситишадими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сизга яқин қариндошларингиз / дўстларингиз / дугоналарингиз билан мулоқот қилишни мунтазам равишда тақиқладими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Маҳалла ёки ИИБга хабар берсангиз, сизни кўрқитишадими, шунингдек, жисмоний жазолаш, ажрашиш, фарзандларингизни олиб қўйиш билан таҳдид қилишадими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сизни мунтазам равишда калтаклашадими, силтаб ташлашадими, муштлашадими, жинсий муносабатларга мажбурлашадими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сизни ёпиқ бўлган алоҳида хонада сақлашадими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сизга ўқишга / ишлашга рухсат беришмайдими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сиз ва фарзандларингиз учун озиқ-овқат, кийим-кечакка минимал маблағ ҳам берилмаяптими? | ҲА ЙЎҚ |
| | Сизга умумий ошхона / ҳолатхона / ҳаммомдан фойдаланиш тақиқланганими? | ҲА ЙЎҚ |

Зўравонлик ва тазйиқдан азият чеккан аёллар ва қизларга тезкор ёрдам бериш учун

1146

рақамли миллий ишонч телефони орқали 24 соат давомида психологик ёрдам мавжуд.

Ишонч телефони қуйидагилар учун мўлжалланган:

- оилада ва ундан ташқарида зўравонликка дуч келган барча аёллар учун;
- зўравонлик ҳаракатлари гувоҳлари учун,
- ҳозир ёки келажақда худди шундай вазиятга тушиб қолишдан кўрқадиганлар учун;
- ўз ҳаёти ёки болалари ҳаётининг хавфсизлиги учун кўрқадиган аёллар учун.

Зарур бўлганда, мурожаат қилувчилар вақтинча хавфсиз қолиш учун бутун мамлакат бўйлаб реабилитация ва мослашув марказларига (шелтер/бошпана) юборилиши мумкин.

Зўравонлик оқибатларининг учта асосий иқтисодий ва молиявий харажатлари

- 1 жиний адлия тизими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар, уй-жой, фуқаролик қонунчилиги харажатларини ўз ичига олган давлат томонидан молиялаштириладиган хизматлар
- 2 иш берувчилар ва ишчилар томонидан олинган иқтисодий маҳсулотларнинг зарари
- 3 ҳар бир алоҳида жабрланувчига етказилган инсоний ва ҳиссий кечинмалар

Оиладаги зўравонликнинг иқтисодий оқибатлари ўз баҳосига эга

2016 йилда яқин интим шерикларнинг зўравонлик оқибатларини бартараф этиш бўйича глобал йиллик харажатларни БМТ

\$1,5 трлн

баҳолаган, бу рақам глобал ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) тахминан **2** фоизига ёки бутун Канада иқтисодиётининг ҳажмига тенгдир

Аёлларга нисбатан зўравонлик оқибатларини бартараф этишнинг йиллик қиймати



Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида қўлланиладиган зўравонлик турлари ва асосий тушунчалар

| | |
|--|--|
| | Жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахсоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш |
| | Рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тўхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) |
| | Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятга эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли |
| | Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) |

- **зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик);
- **иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;
- **тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиний жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик;
- **тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи** — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;
- **тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғ-

- лиги учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг тақоран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;
- **тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;
- **ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Агар сизга ёки сизнинг яқинларингизга ёрдам керак бўлса, сиз ўз яшаш жойингизда зўравонлик қурбонлари учун реабилитация ва мослашув марказларининг ишонч телефонларига ҳам қўнғироқ қилишингиз мумкин:

| | |
|------------------------------|----------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | (99) 444-11-46 |
| Андижон вилояти | (99) 463-11-46 |
| Бухоро вилояти | (99) 772-11-46 |
| Жиззах вилояти | (99) 517-11-46 |
| Қашқадарё вилояти | (99) 642-11-46 |
| Навоий вилояти | (99) 812-11-46 |
| Наманган вилояти | (99) 780-11-46 |
| Самарқанд вилояти | (99) 822-11-46 |
| Сирдарё вилояти | (99) 867-11-46 |
| Сурхондарё вилояти | (99) 835-11-46 |
| Тошкент вилояти | (99) 373-11-46 |
| Фарғона вилояти | (99) 869-11-46 |
| Хоразм вилояти | (99) 883-11-46 |
| Тошкент шаҳри | (99) 070-11-46 |

Ижтимоий - ҳуқуқий ёрдам ва психологик ёрдам олиш учун аёллар ушбу рақамларга аноним равишда мурожаат қилишлари мумкин.

Ишонч телефони қўнғироқ қилганларнинг махфийлиги тўлиқ кафолатланади